



**ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ЎҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ, БИЛИМ ОЛИШНИНГ ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ГАРОВИДИР**

Сапаров Даврон Исаевич

*Термиз мұхандислик ва агротехнологиялар университети Енергетика ва
саноат мұхандислиги факультети .Еелектр енергетикаси кафедрасы ассисенти*

Аннотация. Ушбу мақолада таълим-тарбия талабаларнинг ўқув фаолияти жараёнида амалга оширилади. Бундай фаолият дарс ва дарсдан ташқари тадбирларда иштирок этиш, ўқитувчи ва бошқа шахслар билан муносабат, мустақил ишлар, мустақил фикрлаш, турли вазиятларда шахсий муносабат билдириш, талаба ҳулқига ва унинг психологик фаолиятига таъсир этувчи омиллар ёрдамида амалга оширилиши мақолада ёритиб берилган

Калит сўзлар. Талабалар, мустақил, ўқитувчи, методлар, масофавий, тезкор, топқирлиги

Мустақил ишлар алохида ахамият касб этади. Талабаларнинг мустақил ишлари-бу ўқитувчининг бевосита иштирокисиз лекин белгиланган вақтда унинг топқирлиги ва изланишлари асосида бажариладиган ишлардир. Мустақил ишлаш методлари- ўқитишнинг таълим берувчи, тарбияловчи ва ривожлантирувчи вазифаларни мувофиқлаштирилган холда амалга оширилишига ёрдам беради. Мустақил иш таълимий жихатдан-назарий билим, амалий кўникмаларни такрорлаш мустахкамлаш ва чуқурлаштиришга хизмат қиласиди. Ўқитишнинг бу методлари талабаларнинг мустақил меҳнат фаолиятига ва ўз эгаллаган касбини мутахассислигини мукаммал давом эттириши учун ахамият касб этади.

Айниқса хозирги вақтда, талабаларга масофавий таълим платформаларда берилаётганда, талабалар ўқитувчи берган мавзуларни мустаҳкамлаш учун қўпроқ мустақил шуғулланишлари лозим.

Талабаларнинг мустақил ишларни бажариларига имкон яратиш учун қўйидагилар зарур деб хисобланади:

- Талабаларга берилган топшириқларни бажариш тартиб қоидалари хақида кўрсатма бериш;

- Мустақил ишларни бажариш учун зарур бўладиган қўшимча адабиётлар билан таништириш;





- Мустақил ишларни бажаришда тезкор ёрдам кўрсатишнинг маҳсус усусларини яратиш, видео дарсларни ташкил этиш, кичик тестлар олиш;

- Мустақил ишни бажарган талабаларни рағбатлантириш қизиқтириш ва баҳолаш;

Бундан мақсад шуки, юқоридаги имкониятлар натижасида талабаларнинг фикрлаш қобилияти ўсиб, муаммоларни ҳал қилиш, илмий изланишга одатланиш, янги фикрлаш ва мушохада қилиш орқали инновациага қизиқади ва ушбу ғоялар билан ихтиrolар яратади. Мустақил дарсларни ташкил этиш методикаси талабаларнинг фанга қизиқишини ошириб ўз-ўзини ривожлантириш ҳислатларини намоён этади.

Мустақил, онгли ўқув фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш асосида чукур ва мустахкам билимга эга бўлиш мумкинлигини, бу билимлар вақт ўтган сари талабаларнинг тафаккурини ривожлантиришнинг ажралмас қисмига ва ҳаётий эҳтиёжига айланади. Талабаларнинг мустақил ишларини таснифлаш бир қатор мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Улар қайси турда бўлишидан қатъий назар мустақил ишлар маълум бир савол ва топшириқлар ёрдамида амалга оширилади. Одатда топшириқлар маъruzalар давомида бериб борилиб интелектуал қобилиятини оширишга, янги ғоялар тузишга имкон.

Масалан, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш мавзуси ўқитувчи томонидан тушунтирилса, унинг аҳолига, ишлаб чиқаришга аҳамиятли томони мустақил иш сифатида ўрганилади.

Демак, бундай мустақил ўқитиши услубларидан фойдаланиш ўқитувчи раҳбарлигига талабаларнинг мустақил билим эгаллашлари ва уларда мустақил ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш келажакда ўз касбларининг новатори бўлиб етишишига катта аҳамият касб этади.

- Айтиш жоизки, бу метод талабаларни келажакка етаклаб, ўз курсдошлари ҳамда хорижлик шу йўналишда таҳсил олаётган тенгдошлари билан бемалол рақобатга кириша олади ва ўзида билим қай йўсинда эканлигини ҳис этиб, қўп билишга интилади ва интелектуал кадр бўлиб етишади. Ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолиятини ривожлантиришда фикрлаш кўникмасини шакллантириш, уларни дарсга бўлган қизиқишлиарини ошириш мақсадида, қизиқарли масалаларни танлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Танланган масалалар аниқ бир тизимни ташкил қилиши ва аниқ бир мақсадга йўналтирилиши керак. Шунинг учун, мустақил фикрлаш кўникмасини шакллантиришга қаратилган айрим мавзуга ва бобга оид масалаларни танлашга алоҳида аҳамият бериш зарур. Эксперементал ва график масалаларнинг мазмуни ўрта мактабда физика ўқитишнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиши, ДТС талабларига мослиги, масаланинг қўйилиши






аниқ ва реал бўлиши, ўқувчи эса аниқ илмий билимга ва амалий кўникмага эга бўлиши керак.

Экспериментал масалаларни ечишда тажрибалар мактаб демонстрацион экспериментининг барча шарт-шароитларига амал қилган ҳолда қўйилиши керак. Бунда асбоблар ва ҳодисаларнинг яхши кўринаётганига алоҳида эътибор бериш керак. Экспериментни бажариш жараёнига ўқитувчининг ўзи раҳбарлик қилиш зарурдир. Демонстрацион экспериментал масалаларга мисол келтирамиз.

Гальваник элементлар батареясига 24 Ом қаршилик уланганда занжирдаги ток кучи 1,5 А эди, 12 Ом қаршилик уланганда эса ток кучи 2,7 А бўлди. Батареянинг ЭЮК ини ва ички қаршилигини топинг. Имкони бўлса, шу ишни тажрибада қилиб кўринг. Бунинг учун қаршиликлари маълум бўлган иккита резистордан ва амперметрдан фойдаланинг.



1 – расм.


Масаланинг шартига кўра

йиғиладиган электр

занжирининг принципиал схемаси

Берилган: $R_1 = 24 \text{ Ом}$, $I_1 = 1,5 \text{ А}$, $R_2 = 12 \text{ Ом}$, $I_2 = 2,7 \text{ А}$, $\epsilon = ?$, $r = ?$

Масалани ечиш кетма-кетлигини қўйидаги тартибда тизимлаштириш ўқувчининг масалада кечаётган физик жараённи яққол кўз олдига келтириши учун ёрдам беради (1 - расм).



Масалани ечиш алгоритми





Хисоблашларга кўра $\varepsilon = 27$ В, $r = 3$ Ом эканлигини аниқлаш мумкин.

Экспериментал масалаларни ечишда тажриба ва кузатишларни ўқувчиларни ўзлари мустақил равишда олиб боришлари натижасида ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникма ва малакалари шаклланади ва ривожланади.

Ўрганиш обьекти физик катталикларнинг боғланиш графикларидан иборат бўлган масалалар график масалалар дейилади.

Баъзи ҳолларда бу графиклар масаланинг шартида берилади, баъзи ҳолларда эса уларни жамлаш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Султонова Ў.Н., Султонов С. Талабаларни мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турлари ва шакллари. Инновацион иқтисодиётни шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳанинг ўрни ва ролини ошириш муаммолари 2018 йил ноябр СамДУ 18 феврал, 60-62 бет
2. Бабанский Ю.К. Методика преподавания физики в средней школе. –М.: Просвещение. 1968. –199 с.
3. Кабардин О.Ф. Методические основы физического эксперимента. // Ж. Физика в школе. 1985. № 2. С. 3– 9.
4. Пёришкин А.В. Физика ўқитиши методикаси асослар. – Т.: Ўқитувчи. 1990. – 320 б.
5. Юсупов А., Юсупов Р. Физикадан савол ва масалалар тўплами. –Т.: Ўқитувчи. 2000. – 646.

